# ШАРТНОМА №01

**(Механизм ва автотранспорт хизматини курсатиш хакидахизмати )**

«7» Октябр 2022 й **Қарши шаҳар**

«**Буюртмачи Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти** директор **З.Мукимов** бир томондан ва иккинчи томондан Эверест Йол-Транс ХК кейинги ўринларда корхона низоми асосида иш олиб борувчи «**Бажарувчи**» номидан **директор** ____________________Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий хужжатларига таяниб, қуйидаги тартибда шартнома туздилар.

## 1.Шартнома предмети ва бахоси.

1.1. «Буюртмачи» учун «Бажарувчи»нинг машина-механизмлари билан корхонага қарашли объектларда қайта қуриш ишларинибажаришда машина-механизми билан хизмат кўрсатади .

1.2 «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар ҳақиқий ташилган юклари, яъни ишлаган иш хажми хисобидан маш/час(ТТН)да кўрсатилган хамда иш юритувчи томонидан тасдиқлаб мухр босилган маълумотномага маш/час (ТТН) асосан ташкил этган маш/час(тн.км) билан хисоб варақаси орқали расмийлаштирилади.

1.3.«Буюртмачи»«Бажарувчи» га бажарган иши бўйича танловда келишилган нархлар бўйича тўловни амалга оширади.

1.4.Шартноманинг умумий қиймати 30 000 000 сум.

## 2. Буюртмачи мажбуриятлари.

2.1.«Буюртмачи»«Бажарувчи»машина–механизмларини тўлиқ иш билан таъминлайди.Бекор туриб қолишига йўл қўймайди. Объектда иш юритувчи томонидан кунлик машина-механизми учун хисоб варағи маш/час(ТТН) юритади. «Буюртмачи» тўловни шу маълумотномага ташилган юкга маш/час( тн.км ) нисбатан амалга оширади.

2.2. «Буюртмачи » машина-механизмнинг бажарган иш хажми маш/час ( тн.км) учун ойма-ой тўловни ўз вақтида ойма–ой тўлаб боради.

## 3. Бажарувчи мажбуриятлари.

3.1.«Бажарувчи» ўз машинасини ишчи холатида булишини хамда, техника хавфсизлиги санитария талабларига жавоб берган холда қурилиш монтаж ишларида узилиш булишига йўл қўймасликни таъминлаш;.

3.2.«Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан тасдиқлаб берилган ишхажми (тн.км) ва реестри асосида хисоб-фактурани ўз вақтида тақдим этади яъни бажарилган иш ойининг кейинги ой 10 санасигачава «Буюртмачи»нинг ички бухгалтерия хисобларининг кечикишига йўл қўймайди.[1]

## 4. Тарафларнинг мулкий жавобгарлиги.

4.1.Тарафлар шартнома шартларининг бажарилганлиги ёки лозимдаражада бажарилмаганлиги учун мулкий жавобгардирлар.

4.2.«Буюртмачи» «Бажарувчи» машина-механизми билан кўрсатилган хизмат суммасини тасдиқлаб берилган кундан бошлаб тўловни амалга оширади. Амалга оширилмаган, кечиктирилган тўлов хар бир куни учун 0,4 % пеня тўлайди. Пеня тўлов туланмаган қисмининг 50% миқдоридан ошмаслиги лозим.

## 5.Низоларни хал қилиштартиби.

5.1. Ушбу шартнома бўйича юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан хал қилинади.

5.2.Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликларЎзбекистонРеспубликасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий баъзаси тўғрисида»ги 29.08.98 йилги ва бошқа амалдаги

---

1

қонунлар асосида иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилиб хал қилинади.

## 6. Бошқа шартлар.

6.1. ЁММ «Бажарувчи» ёки «Буюртмачи» келишуви хамда хужжатлаштирилган холда таъминланади.
6.2.Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2( икки ) нусхада тузилиб, Тарафларининг хар бирига бир нусхадан берилади.
6.3.Шартнома имзоланган кундан бошланиб, 31-декабр 2022йилгача давом этади.

## Юридик манзилгохлар ва тўлов реквизитлари.

**Буюртмачи:**

**Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти**
Карши шахри Хонобод шох куча 19-уй
шх/р 400910860104017094100079003
**Банк: Қарши Шахар хамкорбанк**
**МҒО: 00014 INN 306526108**
**Телефон: +998983673311**

**Директор: _____________З.Муқимов**
(имзо)

**Бажарувчи:**

**"Эверест Гол-Транс" ХК**
**Қарши тумани Ертепа ҚФЙ**
**Х/Р:2020 8000 9053 4289 7001**
**Банк:Хамкор банк ЧЕКИ**
**МФО:01031 ИНН : 308 182 243**
**Телефон: (99)6652558**

**Директор : Х.Нарзиев** _____________
(имзо)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QASHQADARYO VILOYATI QARSHI TUMANI "EVEREST GOLD-TRANS" XUSUSIY KORXONASI